

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ШАВКАТ ТУРДИМУРОТОВИЧ**

**САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДАГИ ТЎЛҒАЗУВЧИ  
ҚОРИШМАЛАРНИНГ ОПТИМАЛ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ,  
ФИЗИК-ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ, УЗОҚ МУДДАТГА  
ЧИДАМЛИЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по  
техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Рахимов Шавкат Турдимуротович**

Саноат чиқиндилари асосидаги тўлғазувчи қоришмаларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, физик-техник хусусиятлари, узок муддатга чидамлилиги ва самарадорлигини тадқиқ этиш.....5

**Рахимов Шавкат Турдимуротович**

Разработка оптимальных составов, исследование физико-технических свойств, долговечности и эффективности закладочных смесей на основе отходов промышленности.....21

**Rakhimov Shavkat Turdimurotovich**

Development of optimum compositions research of physical of technical properties of longevity and efficiency of book-mark mixtures on the basic of wastes of industry.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ШАВКАТ ТУРДИМУРОТОВИЧ**

**САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДАГИ ТЎЛҒАЗУВЧИ  
ҚОРИШМАЛАРНИНГ ОПТИМАЛ ТАРКИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ,  
ФИЗИК-ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ, УЗОҚ МУДДАТГА  
ЧИДАМЛИЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/T534 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида(www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Газиёв Учқун Абдуллаевич</b> техника фанлари номзоди, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хасанов Баҳриддин Баратович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Тургунбаев Урунбек Жамолович</b> техника фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Фарғона политехника институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «2» ноябрь соат 13<sup>00</sup> да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi\_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 23 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(99871) 244-63-30; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi\_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «16» октябрь куни тарқатилди.  
(2019 йил «24» сентябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акромов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Х. Камиллов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

**С.А. Ходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда конларда ёпиқ қазиш ишларининг ортиб бориши билан бирга ҳосил бўладиган бўшлиқларни тўлғазиш учун қоришмаларни ишлаб чиқаришда ресурс тежамкор технологияларни самарали қўллашнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Россия каби мамлакатларда руда қазиб олинган тоғ бўшлиқларини тўлдиришда ишлатиладиган тўлғазувчи қоришмалар ишлаб чиқаришда тоғ-кон қазиб олиш, ёқилғи-энергетика, кимё ва металлургия саноати чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларидан кенг фойдаланиш, тоғ конларининг мустаҳкамлик ва устиворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан уларнинг таркибини ва хусусиятларини аниқлаш, жумладан саноат чиқиндилари ва маҳаллий хомашёлар асосида тўлғазувчи қоришмалар ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тўлғазувчи қоришмалар таркибини конларнинг ўзида чиқадиган саноат чиқиндилари, кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиб оптималлаштириш, қоришмаларда структура ҳосил бўлишини мақсадли бошқаришга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга боғлиқ равишда, тўлғазувчи қоришмаларнинг физик-техник хоссаларини тадқиқ этиш, тоғ бўшлиқларига ётқизилган тўлғазувчи массивларнинг мустаҳкамлигини, вақт бўйича бардошлилигини ва узок муддатга чидамлилигини ошириш, уларни тайёрлаш ва жойлаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш, уларнинг замонавий босқичда иқтисодий самарадорлиги маҳаллий хомашё манбааларидан комплекс ва рационал фойдаланиш ҳамда турли саноат соҳаларида юзага келадиган чиқиндиларни тўлиқ ишлатишга боғлиқ ҳолда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши белгиланди, жумладан «...қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш,...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш,...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тоғларда руда конларини қайта ишлашда тўлғазиш тизимини кенг қўламли қўллаш, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, белгиланган хосса ва кўрсаткичларга эга бўлган тўлғазувчи қоришмалар таркибини яратиш, тоғ бўшлиқларини мустаҳкамлашда меҳнат унумдорлигини

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

оширувчи энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устивор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш, самарали тўлғазувчи қоришмаларнинг таркибини ишлаб чиқиш, физик-техник хусусиятларини яхшилаш ва узоқ муддатга чидамлилигини ошириш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилар жумладан: Neydorf L.V., Kouling R., Mik D.L., Цай Сыцзин, Кокубу М., Ямада Д., Федьнин Н.П., Баженов Ю.М., Волженский А.В., Пашков И.А., Дворкин Л.И., Элинзон М.П., Гудим Ю.А., Ермолова Е.А., Требухов А.П., Корнеева Е.В., Хомяков В.И., Цыгалов М.Н., Шварц Ю.Д., Алдамбергенов У.А., Байқонуров О.А., Крупник Л.А. ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари саноат чиқиндилари асосида қурилиш материаллари таркибини ишлаб чиқиш, структура ва хоссаларини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Асқаров Б.А., Қосимов Э.У., Газиев У.А., Тохиров М.Қ., Самиғов Н.А., Одилхўжаев А.И., Акрамов Х.А., Ходжаев С.А., Мирахмедов М.М., Махаматалиев И.М., Хасанов Б.Б., Тешабоев Р.Д., Ашрабов А.А., Тўлаганов А.А., Искандарова М.И., Ботвина Л.М., Туропов М.Т., Комилов Х.Х. ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим натижаларга эришганлар.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили рудаларни казиб олишдан ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдиришда ишлатиладиган тўлғазувчи қоришмалар ишлаб чиқаришда энергия самарадорликни ошириш ва ресурстежамкор технологияларини яратиш соҳасида муҳим ижобий натижалар олинганлигини кўрсатди. Бироқ, Республикамизда тоғ-кон саноати олдида фойдали қазилмаларни казиб олишнинг икки баравар ошириш бўйича қўйилган вазифага кўра саноат чиқиндилари асосида энергия ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи қоришмаларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларда, жумладан иккиламчи маҳсулотлар

ва кимёвий кўшимчалар асосида тўлғазувчи қоришмалар олиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгроқ тадқиқ қилишни талаб этаётганлигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура қурилиш институтининг № И-2015-8-3 «Саноат чиқиндилари асосида тўлғазувчи қоришмалар ишлаб чиқаришнинг ресурс тежамкор технологиялари ва уларни тоғ-металлургия тармоғига тадбиқ этиш» (2015-2016) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат чиқиндилари, портландцемент ва суперпластификатордан фойдаланиб олинган тўлғазувчи қоришмаларнинг таркибини оптималлаштириш, структурасининг шаклланишини, хусусиятларини ва самарадорлигини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўлғазувчи қоришмаларнинг таркибини, тайёрлаш ва жойлаш технологик параметрларини ишлаб чиқиш;

компонентлар миқдори ўзгаришининг ва суперпластификаторни қўллашнинг тўлғазувчи қоришма хусусиятларини ўзгариши ва структура ҳосил бўлиш кинетикасига таъсирини тадқиқ этиш;

экспериментларни режалаштиришнинг математик усули билан тўлғазувчи қоришмалар таркибини оптималлаштириш;

тўлғазувчи қоришмалар таркибини ишлаб чиқариш апробациясидан ўтказиш, узок муддатга чидамлилиги ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тоғ қазил саноати, энергетика ва мис эритиш саноати чиқиндилари, портландцемент ва суперпластификатор асосидаги тўлғазувчи қоришмалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** саноат чиқиндилари, портландцемент ва суперпластификатор асосида олинган тўлғазувчи қоришмаларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий параметрлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, структура ҳосил бўлишини рентген-фаза, дифференциал-термик, инфрақизил-спектроскопия ва электрон-микроскоп таҳлили, саноат чиқиндилари ва ундан олинган тўлғазувчи қоришмаларнинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усулларида ҳамда қоришма таркибини оптималлаштиришни математик усулларида ва экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«портландцемент, учувчан кул, бўш тоғ жинслари асосидаги кум, суперпластификатор ва сув» тизимида суперпластификаторнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда структура ҳосил бўлиш механизми аниқланган;

тўлғазувчи қоришмаларнинг физик-механик хусусиятлари суперпластификаторнинг таъсири ҳисобига оширилган ва узок муддатга чидамлилиги таъминланган;

тўлғазувчи қоришмаларнинг мустаҳкамлигини унинг ташкил этувчилари миқдорига боғлиқлигини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилган;

илк бор тўлғазувчи қоришмаларнинг мис эритиш тошқоли ва бўш тоғ жинси қумларидан фойдаланилган янги таркиблари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат чиқиндиларини қўллаш орқали хусусиятлари бўйича меъёрий талабларга жавоб берувчи тўлғазувчи қоришмаларни ишлаб чиқариш мумкинлиги кўрсатиб берилган;

қоришма структурасини ҳосил бўлиш жараёни тизимдаги барча компонентларнинг хусусиятларини ҳамда физик-кимёвий ўзаро таъсирини намоён этиш орқали зич ва мустаҳкам алоқанинг юзага келтириши кўрсатиб берилган;

экспериментларни режалаштиришнинг математик усули орқали тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлиги унинг компонентлари миқдорига боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Корреляцион-регрессив таҳлил асосида қоришма хусусиятлари ва таркиби орасидаги боғлиқлик ва боғловчилар сарфини камайтириш бўйича оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

тоғ бўшлиқларида тўлғазувчи қоришмалар асосида турли мустаҳкамликдаги ва комбинацияланган сунъий массивларни барпо этиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий воситалар ва стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблигини, ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат чиқиндилари ва суперпластификаторнинг тўлғазувчи қоришмадаги фаза ҳосил бўлиш жараёни ва структурасини шаклланишига, шу билан бирга қотиш шароитида унинг физик-техник хоссаларига, сифат кўрсаткичларига ва узоқ муддатга чидамлилигига таъсирини ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тоғ ишлари сатҳининг пасайишида махсус қоришма билан тўлдириш ишларининг қия тўкилувчи катта конларни қайта ишлашда ортиши, чунки у тоғ босимларини бошқаришнинг асосий усулларидан бири ва тоғ жинси қатлами оғирлигини таъминловчи ишончли восита бўлиб хизмат қилиши ва бу борада, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб самарали тўлғазувчи қоришмалар таркибларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат чиқиндилари асосидаги тўлғазувчи қоришмаларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш, физик-техник хусусиятлари, узоқ муддатга чидамлилиги ва самарадорлигини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

портландцемент, мис эритиш тошқоли, учувчан кул, бўш тоғ жинси қуми, мрамар чиқиндиси ва суперпластификатор асосидаги тўлғазувчи қоришмаларнинг ишлаб чиқилган таркиби, уни тайёрлаш ва жойлаш технологияси «Каульди» қонида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 3931/09-07-сонли



маълумотномаси). Натижада тўлғазувчи қоришманинг механик мустаҳкамлигини 1,5-5,9 МПа дан 3,17-8,94 МПа гача ошириш, қоришманинг ҳаракатчанлигини П1 дан П5 гача ошириш, сувга талабчанлигини 10-12 % гача камайтириш, қоришмаларни қувурларда жўнатишни тезлаштириш, цемент сарфини 20 % гача қисқартириш имконини берган;

бўш тоғ жинслари асосидаги қум, портландцемент ва суперпластификатордан иборат тўлғазувчи қоришмаларнинг таркиби «ТО'PALANG HPD PLATINUM» МЧЖ корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 3931/09-07-сонли маълумотномаси). Натижада тўлғазувчи қоришманинг сувга талабчанлигини 10-12 % гача камайтиришга, қотган қоришма мустаҳкамлигини 20-25 % оширишга, қоришманинг ҳаракатчанлигини П1 дан П5 гача оширишга, цемент сарфини 15-20 % га қисқартиришга эришилган;

«Берилган хусусиятга эга бўлган тўлғазувчи қоришма таркибини ҳисоблаш» компьютер дастури АЖ «ГИДРОПРОЕКТ» лойиҳалаш институтида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 3931/09-07-сонли маълумотномаси). Натижада тўлғазувчи қоришманинг сувга талабчанлигини 15% га камайтиришга, қотган қоришманинг мустаҳкамлигини 20-25 % га оширишга ва цемент сарфини 20 % гача қисқартиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола: жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 1 та ихтирога патент бериш тўғрисида қарор (№ IAP 20160080, 09.08.2019) ва 1 та ҳисоблаш дастури учун (№ DGU 06409, 15.05.2019) гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот мақсадининг қўйилиши ва ўрганилиш ҳолати» деб номланган биринчи бобда илмий муаммонинг замонавий ҳолатини аналитик шарҳлари келтирилган. Бунда турли саноат тармоқларида юзага келадиган чиқиндиларни қўллаб олинган тўлғазувчи қоришмаларнинг таркиби ва хоссалари таҳлил қилинган, қоришмаларни олишда хомашё базасини кенгайтириш ва тоғ қазил саноати (бўш тоғ жинслари асосидаги қум, мрамрни қайта ишлаш чиқиндиси), ёқилғи-энергетика саноати (иссиқлик электростанцияси учувчан кули), мис эритиш саноати (мис эритиш тошқоли) чиқиндиларини қайта ишлатиш муаммоларини ҳал қилиш, ҳамда тўлғазувчи қоришмалар самарадорлиги ва пластиклигини ошириш усуллари келтирилган.

Тўлғазувчи қоришмаларни ишлаб чиқариш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий кальцийли боғловчиларни, шу билан бирга портландцементни ишлатиш, зарурий талабларга тўлиқ жавоб берувчи тўлғазувчи қоришмаларни ишлаб чиқариш имконини бермайди. Қоришмаларни физик-механик хусусиятларини ошириш бўйича тавсия этилган усуллар, боғловчиларни кўп миқдорда сарфлаш, табиий ресурсларни ва технологик усулларни ишлатиш билан боғлиқ бўлиб, кўшимча меҳнат харажати ва энергия сарфини талаб этади. Шунинг учун материалшунос олимлар ва мутахассислар томонидан тоғ бўшлиқларини тўлдириш учун ишлатиладиган тўлғазувчи қоришмаларни ишлаб чиқариш соҳасида харажатларни қисқартириш ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадида маҳаллий хомашёлар ва турли саноат чиқиндиларини ишлатишга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича келтирилган адабий манбаъларнинг шарҳи асосида тадқиқотларнинг ишчи гипотезаси, мақсади ва вазифалари белгилаб олинди.

*Ишчи гипотеза.* Ишлаб чиқилган тўлғазувчи қоришмалар истиқболли қурилиш материали ҳисобланади, бунда уларнинг таркибига учувчан кул, мрамрни қайта ишлаш чиқиндиси, мис эритиш саноати тошқоли ва суперпластификаторни киритиш, қоришмаларнинг активлигини, физик-механик хоссаларини ва техник-иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи «**Қўлланиладиган материалларнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари**» бобда кўп компонентли тўлғазувчи қоришма бошланғич хомашё материалларининг тавсифлари, танлаб олинган экспериментал тадқиқотларнинг усуллари ва суперпластификатор қўллаб тўлғазувчи қоришмаларнинг хоссаларини ва технологиясини такомиллаштириш бўйича маълумотлар келтирилган. Бошланғич хомашё материаллари сифатида тадқиқотларда бўш тоғ жинслари ва мрамрни қайта ишлаш чиқиндиси асосидаги қум, мис эритиш тошқоли, учувчан-кул, портландцемент ва суперпластификатор «FREM C-3» ишлатилди.

Бошланғич хомашё материалларининг хоссаларини ўрганиш натижасида шулар аниқландики: Янги Ангрен ИЭС электрофильтр куллари майин дисперс материал бўлиб, солиштира юзаси  $4500 \text{ см}^2/\text{г}$  ни ташкил этди. Мис эритиш тошқоли минералогик жиҳатдан турли активликка эга бўлган кварц, кальцит, гидрослюда, кварцитдан ташкил топган. Мрамрни қайта ишлаш чиқиндиси

қум сифатида ишлатилиб, минералогик жиҳатдан кварц, кальцит, пирит, хлорит, альбит, гидрослюда ва доломитдан ташкил топган. Бўш тоғ жинсларини майдалаб олинган қумнинг йириклик модули  $M_{\text{й}}=3,3-3,5$  ни ташкил этди. Тадқиқот ишларида Бекобод цемент заводида ишлаб чиқарилган 400 маркали портландцемент ишлатилди. Кимёвий қўшимча суперпластификатор – «FREM C-3» тўлғазувчи қоришманинг пластиклигини ва мустаҳкамлигини ошириш, сув-цемент нисбатини камайтириш хоссаларини берди. «FREM C-3» суперпластификаторининг сувда эрувчанлиги, бу қўшимча макромолекулаларининг портландцемент, кул ва тошқол зарраларига адсорбцияланишини яхшилади.


Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб тадқиқотларнинг усуллари асосланган равишда танлаб олинди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган усуллар билан бир қаторда замонавий физик-кимёвий таҳлил қилиш усулларида ҳам фойдаланилди. Хусусан, тўлғазувчи қоришманинг структурасини ўрганишда инфрақизил-спектроскопия ва электрон-микроскоп таҳлилидан фойдаланилди. Бунда янги авлод ускуналари қаторига кирувчи SHIMADZU фирмасининг IRAffinity-1 русумли спектрофотометри ва OXFORD INSTRUMENTS фирмасининг EVO MA10 Carl Zeiss русумли электрон сканирловчи микроскопи қўлланилди. Бундан ташқари тадқиқотларда тўлғазувчи қоришманинг таркибини оптималлаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик усулидан ҳам фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи **«Саноат чикиндилари асосидаги тўлғазувчи қоришмалар таркибини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш»** бобида контрол ва оптимал таркибли тўлғазувчи қоришмаларда структурани шаклланишини тадқиқ этиш, экспериментларни режалаштиришнинг математик усули билан қоришма таркибини оптималлаштириш, тўлғазувчи қоришмаларнинг оптимал таркибини ва мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш бўйича бажарилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Цемент асосидаги тўлғазувчи қоришмаларнинг камчиликларини бартараф этишда «цемент-кулли» ва «цемент-тошқолли» боғловчиларнинг имкониятлари очилади. Бу боғловчиларнинг гидратация маҳсулотлари портландцементнинг гидратация маҳсулотларидан фарқланади.

Портландцемент ва учувчан кулнинг (фаол минерал қўшимча), мис эритиш тошқоли, бўш тоғ жинслари ва мрамарни қайта ишлаш чикиндиси асосидаги қумнинг ҳамда кимёвий қўшимчанинг қоришма таркибида ўзаро таъсири натижасида юзага келувчи структуранинг шаклланишини тадқиқ этиш юқорида келтирилган тадқиқот усуллари ёрдамида амалга оширилди.


Цемент, «цемент-кул-суперпластификатор» ва «цемент-тошқол-суперпластификатор» боғловчи композициялар асосидаги тўлғазувчи қоришмаларда структуранинг шаклланиш жараёнини аниқлаш учун, ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлган 20<sup>0</sup>С ҳароратда 28 сутка давомида нормал қотиш шароитида сақланган намуналар тадқиқ этилди ҳамда рентген-фазали таҳлил ўтказилди (1, 2, 3-расмларга қаранг).



1-расм. Контрол, портландцементдан иборат бўлган (28 сут.) қотган тўлғазувчи қоришманинг рентгенограммаси



2-расм. Оптимал таркибли, «цемент-кул-суперпластификатор»дан иборат бўлган (28 сут.) қотган тўлғазувчи қоришманинг рентгенограммаси



3-расм. Оптимал таркибли, «цемент-тошқол-суперпластификатор»дан иборат бўлган (28 сут.) қотган тўлғазувчи қоришманинг рентгенограммаси

Контрол, портландцементдан иборат бўлган (28 суткали) қотган тўлғазувчи қоришмадан олинган намунанинг рентгенограмма таҳлили асосида (3.1.2-расмга қаранг) кварц ( $d=4.27$ ;  $3,35$ ;  $2.46$ ;  $1.818$  Å), кальцит ( $d=3.86$ ;  $3.04$ ;  $2.28$  ва  $1.875$  Å), плагиоклаз ( $d=3,71$  Å), портландит ( $d=4.91$ ;  $2.63$ ;  $1.926$  Å), бассанит ( $d=6.06$ ;  $2.98$ ;  $2.77$  Å), гидрослюда ( $d=10.27$ ;  $4.45$  Å),  $\beta$ - $\text{Ca}_2\text{SiO}_4$  ( $d=2.78$ ;  $2.63$ ;  $2.20$  ва  $1.978$  Å), пломбьерит ( $d=5.48$ ;  $2.07$ ;  $1.67$  Å), кальций гидросиликат ( $d=2.89$  Å) минералларидан ташкил топганлиги аниқланди.

Оптимал таркибли, «цемент-кул-суперпластификатор»дан иборат бўлган (28 сут.) қотган тўлғазувчи қоришманинг рентгенограмма таҳлили асосида (2-расмга қаранг) кварц ( $d=4.27$ ;  $3,35$ ;  $1.818$ ;  $1.543$  Å), кальцит ( $d=3.86$ ;  $3.04$ ;  $2.28$ ;  $1.913$ ;  $1.876$  Å), доломит ( $d=2.90$ ;  $2.02$  Å), плагиоклаз (анортит) ( $d=4.04$ ;  $3.68$ ;  $3.22$  Å), кальцийли дала шпати ( $d=3.77$ ;  $3.25$ ;  $2.15$  Å), гидрослюда ( $d=9.78$ ;  $4.49$  Å) минералларининг мавжудлиги, ҳамда портландит ( $d=4.91$ ;  $2.63$ ;  $1.927$  Å), тўрт кальцийли алюмоферрит ( $d=7.24$ ;  $2.78$ ;  $2.63$  ва  $1.93$  Å), кальций гидросиликат ( $d=7.02$ ;  $2.56$  Å), гиллебрандит- $2\text{CaO}\cdot\text{SiO}_2\cdot\text{H}_2\text{O}$  ( $d=12.53$ ;  $4.78$ ;  $2.90$  Å) каби кичик асосли гидросиликатларнинг юзага келганлиги аниқланди.

Оптимал таркибли, «цемент-тошқол-суперпластификатор»дан иборат бўлган (28 сут.) қотган тўлғазувчи қоришманинг рентгенограмма таҳлили асосида (3-расмга қаранг) кварц ( $d=4.26$ ;  $3,35$ ;  $1.818$ ;  $1.538$  Å), кальцит ( $d=3.86$ ;  $3.03$ ;  $2.28$  ва  $1.870$  Å), кальцийли дала шпати ( $d=3,77$ ;  $3.23$  Å), доломит ( $d=2.89$  Å) минералларининг мавжудлиги, портландит ( $d=4.91$ ;  $2.63$ ;  $1.926$  Å), гидросиликат ( $d=9.97$ ;  $5.01$  ва  $4.50$  Å),  $\text{Ca}_2\text{SiO}_4$  ( $d=2.79$ ;  $2.62$ ;  $2.19$  ва  $1.978$  Å), бассанит ( $d=5.92$ ;  $2.98$ ;  $2.79$  Å), гиллебрандит ( $d=6.64$ ;  $5.92$ ;  $4.43$ ;  $2.89$  Å), кальций гидросиликат алюминат- $\text{CaAl}_2\cdot\text{Si}_2\text{O}_{10}\cdot 3\text{H}_2\text{O}$  ( $d=10.89$ ;  $2.63$  Å) каби гидросиликатлар янги минералларининг юзага келганлиги аниқланди.

Контрол ва оптимал таркибли 28 сутка давомида қотган тўлғазувчи қоришма намуналарнинг инфрақизил-спектроскопия таҳлиллари ўтказилди ва уларнинг асосий минерал ташкил этувчилари аниқланди. Қотган тўлғазувчи қоришма намуналари гидратация жараёнининг тугалланмаганлиги ва

сарфланган кул ва гидратланмаган цемент клинкерининг цементланувчи модда ташкил этувчи бўлган қотиш маҳсулотларининг ўзгармайдиган компонентлари билан фарқланади. Контрол ва оптимал таркибли қотган (28 сут.) тўлғазувчи қоришма намуналарнинг дифференциал-термик таҳлиллари ўтказилди, 60-900 °С ҳарорат кўламида эндотермик ва экзотермик эффектлар таъсирида қоришма таркибидаги минералларнинг ўзини тутиши ва янги минералларнинг юзага келиши аниқланди.

Контрол ва оптимал таркибли намуналарнинг қиздириш таъсирида ўзини тутиши уларнинг таркиби, маҳсулотларнинг олиниш усули, киритилган компонентларнинг табиатига ва намуналарнинг тайёрланиш шароитига боғлиқ деган хулосага келинди. Термик турғунликнинг ортиб бориши қуйидагини ташкил этди: контрол (17,16 %), «цемент-кул-суперпластификатор»дан иборат бўлган намуна (16,52 %), «цемент-тошқол-суперпластификатор»дан иборат бўлган намуна (11,44 %). Цемент-кулли тўлғазувчи қоришмаларнинг қотиши кальций оксиди, ангидритнинг гидратацияси ва кўрсатиб ўтилган маҳсулотларнинг ишқорий муҳитда гидролизланувчи кул шишалари ҳамда аморфланган гилли моддалар билан ўзаро таъсири асосида тушунтирилади.

Контрол ва оптимал таркибли қотган тўлғазувчи қоришма намуналарнинг рентген-фазали, инфрақизил-спектроскопия ва дифференциал-термик таҳлиллари натижаларидан шу нарса аниқландики, оптимал таркибдаги олинган намуналар контрол намуналарга нисбатан афзалроқ, чунки оптимал таркибда кўпроқ миқдорда кварц, кальцит минераллари мавжуд бўлиб, бошланғич қотиш вақтида эттрингит минерали, ҳамда портландит, кальцийли гидросиликат ва тўрт кальцийли монокарбонат гидроалюминат каби гидратация маҳсулотлари юзага келди. Бу янги юзага келган минераллар тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлигини ошишини ва умрбоқийлигини таъминлади.



«Цемент-кул-суперпластификатор» таркибли қоришмада боғланган сувнинг миқдори 28 суткалик қотиш даврида 16,5% ни ташкил этди. Натижада кул қоришмада гидратация жараёнини секинлаштирди, ҳамда «клинкер фонди»ни юзага келишига олиб келди, қоришманинг кейинги қотиш даврида гидратация жараёнини давом этишини таъминлади. Вақт бўйича боғловчиларни гидратациясида асосий компонентларнинг ўзаро таъсири сабабли, тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлиги ортиб бориши аниқланди. Қоришма таркибига кул ва тошқолни киритиш натижасида, гидратация жараёнида янги юзага келган минералларнинг сони ортди, натижада қотган тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлигини вақт бўйича ортиши кузатилди.

Шундай қилиб, тўлғазувчи қоришмаларнинг нормал шароитда қотиш даврида кулнинг кальций оксиди (СаО) гидратацияси, портландцемент минераллари гидратацияси, кулнинг аморфланган гилли моддасининг кальций гидрооксиди билан ўзаро таъсири ва цементловчи таркибнинг карбонизацияси содир бўлди. Ишлатилган қуруқ ҳолатдаги кул намунаси таркибида кўп миқдорда кальций оксиди (СаО)нинг мавжудлиги, қоришманинг қотиш даврида тўлиқ Са(ОН)<sub>2</sub> га айлана олмайди, бу эса тўлғазувчи қоришманинг вақт бўйича мустаҳкамлигини ошиши учун заҳира бўлиб хизмат қилади. Тўлғазувчи қоришмадан олинган намуналар устида олиб борилган синов ишларида,

мустаҳкамликнинг 7, 28, 60, 90 ва 180 сутка давомида ўзгариши бу фаразни тасдиқлади.

«Цемент-кул-суперпластификатор» асосидаги оптимал таркибли тўлғазувчи қоришмада шаклланган қотган боғловчи матрицаси бир жинсли бўлиб (4-расмга қаранг), структуранинг зичлашишини ва мустаҳкамлигини, кристалл фазанинг ортиши ва янги юзага келган минераллар орасидаги алоҳида кристаллларнинг сувли контактлари таъминлайди. Боғловчи намуналардаги мустаҳкам каркас цемент ва кул зарралари, ҳамда мрамар чиқиндисини турли даражадаги зарралари ва янги юзага келган минералларнинг ўзаро таъсири орқали вужудга келди.

Тасвирни юқори катталаштирилганда бу зарралар деярли тўлиқ гидратация маҳсулотлари билан қопланганлиги, кул ва цемент зарралари янги минералларнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилиши аниқланди.



4-расм. Оптимал таркибли тўлғазувчи қоришма намунасининг микроструктураси:  
а)  $\times 50\mu\text{m}$ ; б)  $\times 200\mu\text{m}$

Шу сабабли, кулнинг майда зарралари ва гидратланмаган цемент зарралари кристаллизация маркази бўлиб хизмат қилади, натижада қотган тўлғазувчи қоришманинг структурасини оптималашувини таъминлайди. Қоришма таркибидаги узунлиги 3-4 мкм бўлган эттрингит иплари боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Шундай қилиб тўлғазувчи қоришмаларнинг структура шаклланиш жараёни «цемент минераллари-мрамар чиқиндисини-кул (тошқол)-суперпластификатор-сув» тизимининг қотишида янги юзага келган минераллар сонининг кетма-кет ортиши ҳисобига вужудга келди.

Корреляцион-регрессив таҳлил асосида белгиланган хоссага эга тўлғазувчи қоришмаларни олиниши учун математик моделлар ишланди. Ўзгариб турадиган омиллар қуйидагилар:  $x_1$ -портландцементнинг тўлғазувчи қоришма таркибидаги сарфи, кг;  $x_2$ -кулнинг тўлғазувчи қоришма таркибидаги сарфи, кг;  $x_3$ - суперпластификатор «FREM C-3» сарфи, кг

Оптималлаштириш жараёни иккинчи тартибдаги полином билан тавсифланади, бунинг учун тўлиқ факторли экспериментнинг ортоганал режаси танлаб олинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тўлиқ факторли экспериментнинг ортоганал режаси

Режалаштирилган экспериментнинг дастлабки маълумотлари	$x_1$	$x_2$	$x_3$
Экспериментнинг маркази	120	30	3
Ўзгариш оралиғи	40	10	1
Юқори босқич ( $x_i=+1$ )	160	40	4
Қуйи босқич ( $x_i=-1$ )	80	20	2

Оптималлаштириш жараёнини тавсифлаш учун қўлланилган тенглама куйидаги кўринишга эга бўлди:


$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 - a_{1,2}x_1x_2 + a_{1,3}x_1x_3 + a_{2,3}x_2x_3 + a_{1,2,3}x_1x_2x_3 + a_{1,1}x_1^2 + a_{2,2}x_2^2 - a_{3,3}x_3^2 \quad (1)$$

Оптималлаштириш тўлиқ факторли экспериментнинг ортогонал режаси бўйича ўтказилди, шунинг учун таҳлил қилинаётган таркибларнинг тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлигига таъсирини иккинчи тартибдаги полином кўринишида тақдим этиш мумкин.

Тўлғазувчи қоришма мустаҳкамлигининг статистик модели куйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = 5,467 + 1,94x_1 + 0,353x_2 + 0,297x_3 - 0,183x_1x_2 + 0,105x_1x_3 + 0,002x_2x_3 + 0,104x_1x_2x_3 + 0,842x_1^2 + 0,015x_2^2 - 0,116x_3^2 \quad (2)$$

Бу ерда,  $Y = R_{28 \text{ сут}}$  – тўлғазувчи қоришманинг сиқилишга бўлган (28 сутка) мустаҳкамлик чегараси, МПа.




5-расм. Тўлғазувчи қоришма мустаҳкамлигининг портландцемент ( $x_1$ ), кул ( $x_2$ ) ва қўшимча ( $x_3$ ) миқдорига нисбатан боғланиш графиги: а)  $x_1 = -1$ ; б)  $x_1 = 0$ ; в)  $x_1 = 1$


Экспериментларни режалаштиришнинг математик усули орқали тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлиги ундаги компонентларнинг миқдорига боғлиқлиги аниқланди. Белгиланган қонуният асосида боғловчи сарфини камайтиришни ва қоришма таркиби ва хоссаси орасидаги боғлиқликни таъминлашни назарда тутган оптималлаштириш модели ишлаб чиқилди (5-расмга қаранг). Кўриб чиқилган хулосалар орасида портландцементнинг 160 кг, кулнинг 40 кг ва қўшимчанинг 4 кг сарфида тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлиги энг катта эканлиги исботланди.

Тўлғазувчи қоришмаларнинг оптимал таркиби ҳисобий-экспериментал усули билан, экспериментларни режалаштиришнинг математик усули маълумотлари асосида ишлаб чиқилди, тажриба шароитида тўлғазувчи қоришмалардан намуналар тайёрланди, қоришмалар ва қотган намуналарнинг ҳақиқий-реологик ва физик-механик хоссалари аниқланди. Тўлғазувчи қоришманинг оптимал таркиблари сифатида жами 18 та намуна ва таркибида

минерал ва кимёвий қўшимчалар бўлмаган цемент асосидаги 3 та контрол намуналар келтирилди, ҳамда бу намуналарнинг физик-механик хоссалари (6, 7-расмларга қаранг) тадқиқ этилди.



6-расм. Оптимал таркибдаги тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлик тавсифи: 1-контрол, цемент-200 кг; 2-контрол, цемент-150 кг; 3-контрол, цемент-100 кг; 4-цемент-160 кг, кул-40 кг; 5- цемент-120 кг, кул-30 кг; 6- цемент-80 кг, кул-20 кг; 7- цемент-160 кг, тошқол-40 кг; 8- цемент-120 кг, тошқол-30 кг; 9- цемент-80 кг, тошқол 20 кг



7-расм. Оптимал таркибдаги тўлғазувчи қоришманинг мустаҳкамлик тавсифи: 1-6- «цемент-кул-суперпластификатор» асосидаги қоришма таркиблар; 7-12- «цемент-тошқол-суперпластификатор» асосидаги қоришма таркиблар

Тўлғазувчи қоришманинг хоссаларига «FREM C-3» суперпластификатори миқдорининг таъсири ўрганилди ва боғловчи массасига нисбатан қўшимчанинг рационал миқдори (2%) аниқланди. Натижада бундай миқдордаги қўшимчанинг суперпластифицирловчи таъсири орқали оптимал таркибли тўлғазувчи қоришманинг сувга талабчанлиги ўртача 10-12 % га камайди, мустаҳкамлик кимёвий қўшимчасиз контрол намуналарга нисбатан 20-25 % га ортди, натижада цемент сарфини 20 % гача иқтисод қилишга эришилди.

Диссертациянинг тўртинчи «Ишлаб чиқилган тўлғазувчи қоришмаларни физик-техник хусусиятлари ва умрбоқийлигини тадқиқ этиш» бобида тўлғазувчи қоришмаларнинг асосий физик-техник хусусиятлари, киришиши, иссиқлик ажратиш хусусияти, сувга ва намлик таъсирига бардошлилиги ва қоришмаларнинг умрбоқийлигига агрессив муҳитнинг таъсирини аниқлаш бўйича бажарилган экспериментал-ҳисобий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Тўлғазувчи қоришманинг ўртача ғоваклиги 8-10 % ни ташкил этди. Қотаётган қоришманинг зичлигини, ўлчамлари 7x7x7 см бўлган куб шаклидаги



ва 4x4x16 см бўлган призма тўсинча шаклидаги стандарт намуналарнинг массасини унинг ҳажмига нисбати орқали аниқланди, ҳамда 1710 кг/ м<sup>3</sup> дан 1845 кг/м<sup>3</sup> гача миқдорни ташкил этди. Қотган тўлғазувчи қоришманинг (28 сутка) ўртача намлиги 7-11 % ни ташкил этди.

Қоришманинг киришиши цемент тошининг нам ҳолатига боғлиқ бўлиб, тўлғазувчи қоришмадан олинган 40x40x160 мм ўлчамдаги намунанинг киришиш хусусияти Германияда ишлаб чиқарилган FORM+TEST prüfsysteme (POB 1154. D-88491 Riedlingen) ускунасида аниқланди. Бажарилган тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, тўлғазувчи қоришма асосидаги намунанинг дастлабки 7 суткалик қотиш даврида киришиш жадал кечди, кейинги 14 ва 28 суткалик қотиш даврида эса киришиш секинлашди ва стабиллашишига эришилди.

Портландцементга қўшилган учувчан-кулнинг миқдори ва гидравлик фаоллиги, унинг иссиқлик ажратиш кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатди. Тажриба ишларида портландцементнинг 20 % қисми учувчан-кул билан алмаштирилганда иссиқлик ажратиши етарлича камайди. Бироқ 5 суткалик муддатда учувчан-кулнинг гидравлик активлиги портландцементнинг иссиқлик ажратиш кўрсаткичларига етарлича таъсир этмади. Қоришма қотишининг кейинги муддатларида бу таъсир янада сезиларли бўлди.


Портландцементга 20 % учувчан кулни қўллаб олинган намуналарни сувда ва намликда қотишида мустаҳкамлиги узлуксиз ортди, бу эса кулнинг Са(ОН)<sub>2</sub> билан фаол таъсирлашуви натижасида юзага келди. Портландцементга 20 % учувчан кулни ва 2 % кимёвий қўшимчани қўллаб олинган намуналарнинг намликда қотишида мустаҳкамлиги (28 сутка) контрол намунага нисбатан 12 %, мис эритиш тошқоли асосидаги намуналарда эса 8 % га ортди. Учувчан кул ва кимёвий қўшимча асосидани қоришма намуналарнинг сувда қотишида мустаҳкамлиги (28 сутка) контрол намунага нисбатан 14 %, мис эритиш тошқоли асосидаги намуналарда эса 10 % га ортди.

Шу билан бирга сувда ва намликда сақланган намуналарнинг механик мустаҳкамлиги орасида фарқ мавжудлиги аниқланди. Кул ва кимёвий қўшимча асосидаги қоришмаларнинг намлик таъсирида қотишида 60 суткада сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 28 суткаликга нисбатан 8 % га, сувда қотишида 60 суткада сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 28 суткаликга нисбатан 5 % га ортганлиги аниқланди. Бизнинг тадқиқот ишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, композит боғловчилар асосидаги тўлғазувчи қоришмалар сувга ва намлик таъсирига етарлича бардош берди.

Агрессив муҳитда ва сувда сақланган намуналарнинг сиқилишга бўлган мустаҳкамликлари нисбатига кўра, вақт бўйича боғловчининг мустаҳкамлигини ўзгаришини тавсифловчи бардошлилик коэффициенти  $K_6$  аниқланди. Намуналарнинг 28, 60 ва 90 суткада бардошлилик коэффициентини аниқлаш бўйича олинган натижалар 8-расмда келтирилган.

Тадқиқ этилган тўлғазувчи қоришмалар таркибларининг турли агрессив муҳитларда бардошлилик коэффициентини аниқлаш орқали, уларнинг бардошлилигини ва умрбоқийлигини кўрсатди. Таркибга «FREM C-3» суперпластификаторини киритиш орқали тўлғазувчи қоришманинг агрессив муҳитлар таъсирига бардошлилигини оширди.

### Сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси, МПа



8-расм. Намуналарнинг турли агрессив муҳитлар таъсирида (28, 60 ва 90 сутка сақланган) емирилишга бардошлилиги:

1-цемент-кул; 2-цемент-мис эритиш тошқоли; 3- цемент-кул-суперпластификатор; 4- цемент-мис эритиш тошқоли-суперпластификатор

